
сессия 51

Туман Кенгашининг сессияси.

2021 йилнинг 30 декабрь куни халқ депутатлари Бешариқ тумани Кенгашининг эллик биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Маҳаллий бюджетнинг асосий кўрсаткичлари тасдиқланди.

Сессияни туман ҳокими Кенгаш раиси Р.Жўраев очди ва олиб борди.

Туман Кенгашининг сессиясида депутатлар томонидан туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги асосий кўрсаткичлари муҳокама этилди. Бу ҳақда туман молия бўлими бошлиғи Ш.Гулматов ҳисобот берди. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетининг харажатлари 195.5 млрд сўмни, 2021 йилга нисбатан 133 фоизни ташкил этмоқда. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш харажатларига 153.8 млрд сўм, иқтисодий харажатларга 13.6 млрд сўм кўзда тутилмоқда. 2022 йил 1 январьдан туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрьдаги Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрьдаги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ў.Эргашевнинг ҳисобот эшитилди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2021-12-30 18:32:57